


Иш жойида - Рамазон: раҳбарларга 5 та тавсия



13:44 / 21.05.2018 4288

Рамазон — Ислом тақвимига кўра тўққизинчи ой бўлиб, мусулмондан махсус рўзага, намозга ва руҳий тадаббурга боғлиқ, диний тиришқоқликни талаб қилади. Иш берувчиларга бир нечта тавсияларни ҳавола этамиз, чунки қўл остидагилар бу муборак ойда рўза тутишади.

1. Рўза ишга таъсир ўтказишини тўғри тушуниш

Куннинг маълум соатларида ейиш ва ичишни тарк қилиш ҳар қандай одамга таъсир қилади. Бу айниқса иш кунининг охириги соатларида ходимнинг меҳнат қобилиятини сусайиши кўринишида бўлади.

Раҳбар бу нарсани билиши керак, ва маълум амалий чоралар ёрдамида бу таъсирни юмшатишга уриниши керак. Масалан, муҳим учрашувларни куннинг биринчи ярмига белгилаш, чарчаш аломатлари кўринганда ходимларга дам олишга руҳсат бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Мослашувчанлигинингизни намоён қилинг

Куёш қанча барвақт чиқса, сахарлик қилишга улгуришлари учун мусулмонлар кунни шунча эрта бошлашлари керак. Бу ўз навбатида уйғониш ва бошқа ходимларга нисбатан рўзадорга анча узундек туюладиган иш куни бошланиши учун сезиларни вақт оралиғини юзага келтиради. Хулоса шуки, бу каби узун иш куни ўзини ёмон хис қилишига

ва ишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Агар имконияти бўлса рамазонда рўза тутаётган ҳодимларингиз учун ўзгарувчан иш жадвалини қилиб беринг. Масалан, уларга ишлаш қобилиятлари юқори даражада бўлганлиги учун иш кунини эртароқ бошлашга руҳсат беринг, куннинг иккинчи ярмида ақлий ва жисмоний толиқишларни олдини олиб ўз навбатида ишларини эртароқ тугатишга ҳам руҳсат беринг. Эҳтимол ҳодимлар орасида бажариладиган вазифаларни тақсимоти ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керакдир. Масалан, рўзадор ҳодимдан мижоз билан ресторанда учрашишни талаб қилиб бўлмайди. Бунинг ўрнига учрашувни бошқа ерда ёки бошқа ҳодимга мижоз билан тушлик қилишни топшириш мумкин.

3. Руҳсат сўрашганда йўқ демасликка ҳаракат қилинг.

Рўза тутувчи ҳодимлар, қўшимча дам олиш кунларини ёки Рамазонда таътилга чиқишни сўрашлари мумкин.

Бу каби илтимосларга ижобий жавоб беришга ҳаракат қилинг жуда бўлмаса, муқобил таклифлар бериб кўринг, ўзларининг диний мажбуриятларини бажаришдан уларни махрум қилманг. Жиддий сабаб бўлмаса, бизнесингизга жиддий зарар бермаса уларга руҳсат беринг.

4. Диний эътиқод эркинлигини таъминловчи аниқ қоидаларни ишлаб чиқинг

Рамазон ойида корхонангизда мусулмонларнинг ҳақлари қандай кўринишда адо этилишини белгилаб олинг. Балки аввалдан раҳбариятни огоҳлантирувчи қонун ишлаб чиқилар, ҳаммани қониқтирадиган ечимни топиш учун бу масалани ҳодим билан олдиндан маслаҳат қилиб, унга кўра рамазон ойида рўза тутиш ҳақида огоҳлантириш керак бўлиб қолар.

Ўзларининг диний мажбуриятларини бажарувчи ҳодимларни қўллаб-қувватлаш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак, масалан намоз учун хона ажратиб бериш, баъзи ишлардан озод қилиш улар учун имтиёзли таътил жорий қилиш кабилар.

5. Тарғибот ва ташвиқот ишлари

Аксарият холатларда ишда рўзадор учун асосий таянч бўлиб ҳамкасблари ҳисобланади. Бошқа тарафдан, рўза тутиш ва у билан боғлиқ чарчашлик, ҳодимнинг шахсиятига таъсир қилиши мумкин. Масалан қаттиқ

аасабийлашишига олиб келиши мумкин.

Раҳбар, ҳодимларининг рўза тутган киши ҳолати ва эҳтиёжларини инобатга олиб муомала қилишларини уларга тушунтириб, йўлга қўйиши мумкин. Бунга эришиш учун ҳамма ходимларга Рамазон ҳақида, бу билан боғлиқ мусулмонларда қандай мажбуриятлар пайдо бўлиши, бу ўз навбатида уларга қандай таъсир қилиши мумкинлиги ҳақида умумий маълумотни тақдим этиш керак.